

203 – الثَّالِثَ عَشَرَ: عَنِ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ أَوَّلَ مَا دَخَلَ النَّفْسُ عَلَى بَنِي إِسْرَائِيلَ: أَنَّهُ كَانَ الرَّجُلُ يَلْقَى الرَّجُلَ فَيَقُولُ: يَا هَذَا؛ اتَّقِ اللَّهَ وَدَعْ مَا تَصْنَعُ؛ فَإِنَّهُ لَا يَجِلُّ لَكَ، ثُمَّ يَلْقَاهُ مِنَ الْعَدِ وَهُوَ عَلَى حَالِهِ، فَلَا يَمْنَعُهُ ذَلِكَ أَنْ يَكُونَ أَكِيلَهُ وَشَرِيبَهُ وَقَعِيدَهُ، فَلَمَّا فَعَلُوا ذَلِكَ ضَرَبَ اللَّهُ قُلُوبَ بَعْضِهِمْ بِبَعْضٍ» ثُمَّ قَالَ: {لُعِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ عَلَى لِسَانِ دَاوُدَ وَعِيسَى ابْنِ مَرْيَمَ * ذَلِكَ بِمَا عَصَوْا وَكَانُوا يَعْتَدُونَ * كَانُوا لَا يَتَنَاهَوْنَ عَنْ مُنْكَرٍ فَعَلُوهُ لَبِئْسَ مَا كَانُوا يَفْعَلُونَ * تَرَى كَثِيرًا مِنْهُمْ يَتَوَلَّوْنَ الَّذِينَ كَفَرُوا لَبِئْسَ مَا قَدَّمْتُمْ لَهُمْ أَنفُسُهُمْ} إِلَى قَوْلِهِ: {فَاسْفُوفَ} [المائدة: 78، 81] ثُمَّ قَالَ: «كَأَلَا، وَاللَّهِ، لَتَأْمُرَنَّ بِالْمَعْرُوفِ، وَلَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ، وَلَتَأْخُذَنَّ عَلَى يَدِ الظَّالِمِ، وَلَتَأْطِرُنَّهُ عَلَى الْحَقِّ أَطْرًا، وَلَتَقْصُرُنَّهُ عَلَى الْحَقِّ قَصْرًا، أَوْ لَيَضْرِبَنَّ اللَّهُ بِقُلُوبِ بَعْضِكُمْ عَلَى بَعْضٍ، ثُمَّ لَيَلْعَنَنَّكُمْ كَمَا لَعَنَهُمْ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ، وَالتِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ. [د 4336 – 4337، ت 3047].

هَذَا لَفْظُ أَبِي دَاوُدَ، وَلَفْظُ التِّرْمِذِيِّ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَمَّا وَقَعَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ فِي الْمَعَاصِي، تَهَتَّتُهُمْ عُلَمَاؤُهُمْ فَلَمْ يَنْتَهُوْا، فَجَالَسُوهُمْ فِي مَجَالِسِهِمْ، وَوَاكَلُوهُمْ وَشَارَبُوهُمْ، فَضَرَبَ اللَّهُ قُلُوبَ بَعْضِهِمْ بِبَعْضٍ، وَلَعَنَهُمْ عَلَى لِسَانِ دَاوُدَ وَعِيسَى ابْنِ مَرْيَمَ ذَلِكَ بِمَا عَصَوْا وَكَانُوا يَعْتَدُونَ» فَجَلَسَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ – وَكَانَ مُتَّكِمًا – فَقَالَ: «لَا وَالَّذِي تَفْسِي بِيَدِهِ؛ حَتَّى تَأْطِرُوهُمْ عَلَى الْحَقِّ أَطْرًا».

قَوْلُهُ: (تَأْطِرُوهُمْ): أَي تَعْطِفُوهُمْ، (وَلْتَقْصُرْنَهُ) أَي لَتَحْسِنَنَّه.

203. Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Бану Исроилга биринчи кириб келган камчилик шуки, бир одам бошқа бир одамни кўриб, «Ҳой, Аллоҳдан тақво қил! Тўхта! Нима қияпсан? У сен учун ҳалол эмас», дер эди, лекин бу уни эртасига ўша одамни яна ўша ҳолатда кўрганда у билан еб-ичишдан, у билан бирга ўтиришдан қайтармас эди».** (яъни, ёмон кимса билан муомала қилиб юраверар эди). Мана шундай қилиб юраверишганидан кейин Аллоҳ таоло уларнинг қалбларини бир-бирига уриб (бир хил қилиб) қўйди. Кейин у зот «Бану Исроилдан куфр келтирганлар Довуд ва Йисо ибн Марям тилидан лаънатландилар. Бу эса осийлик қилганлари, тажовузкор бўлганлари учун бўлди. Улар қилинган ёмон ишдан бир-бирини қайтармас эдилар. Бу қилмишлари нақадар ёмон! Улардан кўплари куфр келтирганларни дўст тутганини кўрасан. Қасамки, уларга нафслари тақдим қилган нарса - Аллоҳнинг уларга ғазаб қилгани ва азобда мангу қолишлари нақадар ёмон! Агар Аллоҳга, Расулга ва унга нозил қилинган нарсага иймон келтирганларида уларни дўст тутмас эдилар. Лекин уларнинг кўпчилиги **фосиқлардир**»^[1] оятини ўқидилар. Сўнгра яна: **«Йўқ, Аллоҳга қасамки, сизлар албатта яхшиликка буюринглар, мункардан қайтаринглар, золимнинг қўлидан ушлаб, ҳаққа буриб қўйинглар ва ҳақда тутиб туринглар. Ёки Аллоҳ қалбларингизни бир-бирига уриб, бир хил қилиб қўяди. Сўнгра Бани Исроилни лаънатланганидек сизларни ҳам лаънатлайди».**

Абу Довуд ва Термизийлар ривояти. Термизий ҳасан ҳадис, дедилар.

Бу лафз Абу Довудникидир. Термизийнинг ривоятлари лафзида қуйидагича келган:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Бани Исроил гуноҳларга кўмилиб кетишганида, уламолари уларни гуноҳ қилишдан қайтарди. Лекин улар бундан ўзларини тўхтатишмади.** (Қавм тўхтамагандан кейин уламолари ҳам) **улар билан бир мажлисда ўтириб, бирга овқатланиб, ичиб** (алоқани узмасдан аралишиб) юраверишди. Аллоҳ

таоло уларнинг қалбларини бир-бирига уриб (бир хил қилиб) қўйди, улар исён ва ҳаддан ошганликлари сабабли Довуд ва Исо ибн Марям тилидан уларни лаънатлади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суяниб турган эдилар, ўтирдиларда: Йўқ, бундай бўлманг! Жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, золимларни ҳаққа мойил қилиб, унга уларни маҳкам эгинглар», деб айтдилар».

[1] Моида сураси, 78-81-оятлар.

Манба: hadis.islom.uz

